

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

моддаларининг мембранали гидролизи ва сўрилиши	187
Н.Полвонов	
Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат	189
О.А.Yuldashev	
Сиёсий партиялар ва ҳукумат идоралари	192
И. Исмаилов	
Қўқон хонлиги Маллахон Ибн Шералихон даврида (1858-1862)	195
Р. Дусчанов	
Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг солиқ сиёсати (1950-1970 йиллар мисолида)	198
Р. Джураев	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳволи (от ва йилқичилик мисолида)	202
М.Темирова	
Халқ ҳаётида радиодастурлар ролининг ошиб бориши ва уларнинг ғоявий-маънавий функциялари (1927-1991)	205
О.Халилов	
Мустақил Ўзбекистон ва Хитой халқ республикаси ўртасидаги муносабатлар тарихий нуқтаи назардан	209
Д. Камбарова	
Инглиз тили дарсларида ахборот воситаларидан фойдаланиш	212
Қ.Кахаров	
Германияда маданиятлараро нутқий этикет муаммолари	214
Ф. Дадабаева	
А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида диалог таржимаси	217
Г. Азамжонова	
Шукрулло ижодига Жаҳон ва рус адабиётининг таъсири	220
Н.Мерганова	
Талабаларнинг хорижий тилда оғзаки нутқини ўстиришнинг педагогик усуллари	224
М.Қаҳҳорова, З.Мухаммаджонова	
Чет тили дарсларида ижтимоий шаклларнинг аҳамияти	227
А.Х.Зинатуллина	
Француз тили дарсларида қўшиқлардан фойдаланиш	230
Ф.Анварова	
Жаргонларнинг нутқимизда тутган ўрни ва вазифаси	233

УДК: 41+8-31

ШУКРУЛЛО ИЖОДИГА ЖАҲОН ВА РУС АДАБИЁТИНИНГ ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ МИРОВОЙ И РУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ НА ТВОРЧЕСТВО ШУКРУЛЛО

INFLUENCE OF THE WORLD AND RUSSIAN LITERATURE ON SHUKURULLO'S WORKS

Г. Азамжонова¹¹Г. Азамжонова

ФарДУ, 2-курс магистранти.

Аннотация

Мақолада Шукруллонинг қатағон мавзусидаги асарлари, хусусан, «Кафансиз кўмилганлар», «Тирик руҳлар» ва «Жавоҳирлар сандиғи» романлари таҳлил қилинган. Ёзувчининг типик образлардан фойдаланиш, характер яратиш маҳорати ўрганилган.

Аннотация

В статье анализируются произведения Шукрулло, посвященные теме репрессии, в частности, его романы «Захороненные без савана», «Живые духи» и «Сундук драгоценностей». Изучено мастерство писателя по созданию характеров с использованием типичных образов.

Annotation

The article is devoted to the analyses of the works by Shukurullo, dedicated to the theme of repression, in particular, «Buried without shroud», «Living spirits» and «Trunk of jewels». The writer's artistic skills on the creation of the typical characters have been studied.

Таянч сўз ва иборалар: қатағон, роман, «Кафансиз кўмилганлар», «Тирик руҳлар», «Жавоҳирлар сандиғи», бадиий маҳорат, типик образ.

Ключевые слова и выражения: репрессия, роман, «Захороненные без савана», «Живые духи», «Сундук драгоценностей», художественное мастерство, типичный образ.

Key words and expressions: repression, novel, «Buried without shroud» «Living spirits», «The trunk of the jewels», artistic skill, typical character.

Асримиз бошларида асосий эътиборни иждокорнинг поэтик маҳоратига қарата бошлаган танқид шўролар ҳукмронлиги даврида марксча-ленинча таълимот ва унинг ғояларини ифодалаган ҳоким мафкура манфаатларига хизмат қилишга маҳкум этилди. Бироқ, мустабид тузум тазйиқларига қарамай, бу даврда ҳам поэтик маҳорат ва эстетик тамойиллар асосида баҳоланган асарлар мавжуд бўлганлигини таъкидлаш лозим.

XX аср ўзбек адабиётида асримиз бошларида пайдо бўлган жадидчилик намояндалари, биринчи галда, Қодирий, Чўлпон, Фитрат иждолари ўзбек реалистик адабиётининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожига кучли таъсир кўрсатгани сир эмас. Шўролар даврида юз берган даҳшатли қатағонларга, зуғум-зўравонликларга, зиддиятли бўҳронларга қарамай, ўз адабий муҳитини яратишга интилган Ойбек, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғуллом, Ҳ.Олимжон, О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов ва **Шукрулло** сингари иждокорлар ижоди, албатта, айрим истиснолар борлигига қарамай, ўтган етмиш йил мобайнида

бадиий тафаккурни янгилаб, адабий муҳитдаги об-ҳавони тозалаб турганликларини эътироф этмоқ даркор.

Шукрулло ҳам 50-йиллар бошларида қатағон жабрини тортди. Ёзувчи «Кафансиз кўмилганлар» романида қамоқда ўз бошидан кечирган қийинчиликларни, турли адолатсизликларни бор бўйи билан тасвирлайди. Шукрулло ижодида маънавий-ахлоқий масалаларнинг талқини асосий ўринни эгаллайди ва ҳазрати Инсон мавзуси бош ўринда туради.

Шукрулло «Жавоҳирлар сандиғи», «Кафансиз кўмилганлар», «Тирик руҳлар» деб номланган хотира-романлар муаллифидир. Улар маълум маънода автобиографик характерга эга бўлганлигидан ўз маъно-мазмунига кўра бир-бирини тўлдиради. Бу учала асарни инсон ҳақидаги, инсонга хос ва уни безаб турадиган фазилатларни улуғлайдиган романлар, дейиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам Шукрулло XX аср ўзбек шеърияти ва насрининг йирик, бетакрор вакилидир. У ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва ўзбек маданияти ривожига муносиб ҳиссасини

қўшган сўз санъаткорларидан бири ҳисобланади.

Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев у ҳақда сўз юритиб, шундай ёзади: “Шукрулло ўзига хос овоз, тасвир йўналишига эга ижодкор сифатида салкам етмиш йилдан бери қалам суради. Лекин кейинги йилларда бу ижодкорнинг қиёфасида жиддий янгиликлар содир бўлди. Шукруллонинг шахс ва ижодкор сифатидаги ўзига хослиги шундаки, зарурат туғилганда, у узоқ йиллар давомида амал қилиб келган айрим бадиий канонлардан воз кечиб, янги эстетик тамойилларга таянишга ўзида куч топа олди. Шукрулло кексайганда, ижодий амалларини ўзгартиришдан малолланмагани учун кейинги пайтларда шоирнинг ижодида янги белгилар кўзга ташлана бошлади. Шукрулло ёзганлари у кишининг табиатан қизиқувчан, ўзини жамият ташвишларидан четга тортмайдиган одамлигини кўрсатади. У киши адабиётга кўнгили эрмаги, туйғулар ўйини эмас, улкан бир ижтимоий юмуш, деб қарайди. Шунинг учун киши ижодга ўзини тўлиқ бағишлаши, илҳом оташида ёниши керак”, деб ҳисоблайди. Шукруллонинг “Жавоҳирлар сандиғи” асаридаги: “Илҳом қаланган ҳўл ўтин эмас, неча вақтдан бери қизишиб, бир шамол елпиши билан гуруллаб ёнган олов” [1,548], деган фикрда ҳам адабиётда из қолдирмоқ учун ижодкор ўзини унга тўла бағишлаши кераклиги таъкидланган. Адиб ҳамиша эзгуликка интилган ва унинг тантанасига ишонган одам.

Ҳар бир миллий адабиёт қайси тилда ва қайси жуғрофий минтақада яратилган бўлмасин, жаҳон адабиётининг таркибий қисми ҳисобланади. Фақат бундай шарафга эришиш учун бу адабиёт шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтган, бошқа миллий адабиётлар билан ижодий алоқада ҳаракат этаётган бўлиши лозим.

XX аср бошларида жаҳон адабиёти сифатида майдонга келган янги ўзбек адабиёти юз йилдан зиёдроқ тарихи мобайнида шундай улуғ шоир ва ёзувчиларни етиштириб бердики, уларнинг асарлари ва эришган ижодий ютуқлари нафақат янги ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти тараққиётига ҳам ҳисса бўлиб қўшилган, десак муболаға қилмаган бўламиз. Лекин биз “жаҳон адабиёти” деганимизда, асосан Европа ва Америка

халқлари адабиётини назарда тутиб келамиз. Ҳолбуки, “жаҳон адабиёти” тушунчаси, бу адабиётлардан ташқари, Осиё, Африка ва собиқ Иттифоқ халқлари адабиётларини ҳам ўз қамровига олади. Сир эмас, адабиёт ва маданият оламида пайдо бўлаётган янгиликлар даставвал шеъриятнинг чинни косасида акс-садо беради. Суронли, инқилобсевар XX аср нафақат бошқа айрим миллий шеъриятлар, балки ўзбек шеъриятига ҳам янги поэтик ғоялар ва шаклларни олиб кирди. Янги аср бошларида классик аруз вазнининг ўз мавқеини бармоқ, ҳатто сочма вазнларига бера бошлагани нафақат янги тарихий давр талаби, балки бошқа миллий адабиётлар таъсирининг ҳам натижасидир. Ана шу “тарихий давр талаби” ва “бошқа миллий адабиётлар таъсири” йиллар ва даврлар ўтгани сайин янада кучайди. [2,262]

Янги ўзбек адабиётининг вужудга келишида жаҳон адабиёти ва шу адабиётнинг бир қисми – рус адабиётининг таъсири катта бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Агар жаҳон маърифатпарварлик адабиётининг майдонга келишида француз маърифатпарварлик ҳаракати ва адабиёти билвосита таъсир кўрсатган бўлса, 1917 йилдаги инқилобий ўзгаришлардан сўнг янги ўзбек адабиёти 50 – 60-йилларга қадар рус адабиётида ишлаб чиқилган моделлар асосида шаклланди ва ривожланиб борди. Пролетар адабиёти модели ёш ўзбек шоир ва ёзувчиларнинг завод ва фабрикалардан – ишчилар синфи орасидан чиқишини тақозо этди. Ёш истеъдодли шоирлар завод ва фабрикаларда ишлаб, “пролетар шоир” ёрлиғини олишга мажбур бўлдилар. Кейин уларга В.В.Маяковский ва рус комсомол шоирларининг шеър ва дostonлари “адабий” модель вазифасини ўтади. 1934-йилда бўлиб ўтган совет ёзувчиларининг съездида социалистик реализм ягона ижодий метод сифатида қабул қилинган, ёзувчилар эркин ижод қилиш ҳуқуқидан тамомила маҳрум бўлдилар. [3,121] Тушунарлики, шундай адабий-тарихий шароитда жаҳон адабиёти намуналари билан баҳслаша оладиган асарларни яратиш амримаҳол эди.

Ўзбек адабиёти яқин-яқингача “совет адабиёти” деган кўп миллатли адабиётнинг бир қисми сифатида яшаб келган бўлса, ҳозир жаҳон адабиётининг том маънода таркибий қисмидир. “Жаҳон адабиёти”нинг

“совет адабиёти”дан фарқи, аввало, шундаки, “совет адабиёти” дан фарқли ўлароқ, “жаҳон адабиёти” оиласига мансуб адабиётлар тасвир объекти, қаҳрамонлари, тили ва услубининг миллий ўзига хослигини тўла сақлаб қолганлиги ҳамда “ғоявийлик, партиявийлик ва замонавийлик” кишанларидан халос бўлганлиги билан ажралади ва қадрланади.

Шукрулло ижодини ўрганар эканмиз, унинг ижодига нафақат ўзбек адиблари, балки жаҳоннинг йирик ёзувчиларининг таъсири ҳам бениҳоя катта бўлганлигини кўрамиз. Тилга олинган давр поэтик мундарижасининг ранг-баранглиги, туйғу ва кечинмаларнинг шаффофлиги ва жўшқинлиги, услуб ва композициясининг баркамоллиги билан ажралиб туради. Бу ижоднинг мавжларидан нафақат Навоий ва Бобур, Пушкин ва Гейне, балки Расул Ҳамзатов бадииятининг ҳам нафаси уфуриб туради. Шукрулло ижодининг бу даврга хос кайфият ҳукмрон мафкура тазйиқидан қутулишга интилаётган, олам ва одам руҳиятига мансуб ҳодисаларга хилма-хил қарашларнинг маҳсули бўлган адабиётдир. Бу даврда оламнинг мавжудлик йўсинини турлича изоҳлаш имконияти пайдо бўлди, шундай экан, Шукрулло ўзига хос услуби ўқувчилар кўнглига кириб бора олди, ўз ўқувчиларини тўплай билди. Қолаверса, Шукрулло, фақат Ўзбекистонда эмас, балки хорижда ҳам маълум ва машҳур эканлигини хатлардан билиб олдик.

Бунинг исботи шуки, шоир Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Новосибирск шаҳарлари, Болгария, Польша ва яна бошқа мамлакатлардан, вилоятлар ва шаҳарлардан кўплаб хатлар олган. Атоқли шоир Мустай Каримнинг хатидан парча келтирай: «Азизим Шукрулло! Чуқур ҳаяжон ва қувонч билан сени, Иттифоқнинг атоқли шоирларидан бирини, Ўзбекистоннинг доно куйчисини, ажойиб дўстни қутлайман» .

Шукрулло Украина аҳолиси ва адибларининг ҳам севимли санъаткори бўлиб қолган. Улардан бири бундай ёзади: «Сизнинг ўзига хос ёруғ ижодингиз бизнинг ватанимиз халқларига жуда яхши таниш. Украинада ҳам сизнинг кўплаб мухлисларингиз бор» . Ҳа, шундай катта мамлакатда обрў қозониш бахт эмасми?

Хатлари ва телеграммаларида

Р.Ҳамзатов, Ў.Сулаймонов, В.Солоухин, Ю.Верченко, М.Танк, Б.Олейник, С.Баруздин, М.Карим каби адиб – у шоирлар Шукрулло ижодига юксак баҳо беришади. [4,201]

Миллат вакилларининг меҳнатинигина эмас, балки уларнинг шахсиятига дахлдор белгилар: фикр, туйғу, руҳият, ҳиссиёт, кўнгилини текширишга эътибор қаратди. Тўғрироғи, одам бирор бир ижтимоий қатламнинг ҳосиласи эмас, мураккаб ва англаш мушкул бўлган инсон сифатида тадқиқ этиладиган бўлди. Шукрулло ижоди инсон, инсонлараро муносабатлар ғоят мураккаб, чигал ва изоҳлаш мушкул эканлигини чуқур англаган ва уларни бутун мураккабликлари билан акс эттиришга ҳаракат қилган. Ижтимоий воқелик унга, яъни бевосита ва билвосита таъсир қилади. Бирламчи шоир ана шу воқелик руҳиятини, ҳаётий жараёнларнинг ўзини бевосита кўрсатса, иккиламчи, мазкур жараён оқибатида жамият руҳиятини, фикрлаш тарзини ва тафаккур даражасини акс эттиради. Шунга асосланиб, кейинги йилларда халқимизнинг интеллектуал дунёси теранлашди, унинг фикрлаш характери янгича маъно касб этди, дейиш мумкин.

Шукрулло «Кафансиз кўмилганлар», «Жавоҳирлар сандиғи» асарларида ҳаётидаги қора кунларни эслайди. «Кафансиз кўмилганлар» романида совуқ ўлкаларда маҳкумлик азобини тортаётган инсон жасоратини кўрсатади. «Жавоҳирлар сандиғи» асарида ҳам ҳаётининг аламли дамларини хотирлайди. Шукрулло асарида жаҳл, рақибларидан нолиш кайфияти бўртиб кўринади. Китобхон – зийрак, фаросатли. У воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаб етади. Ижодкор одам айбдор қидиришни эмас, руҳидаги зиддиятлар жараёнини кўрсатиши етарли. Саид Аҳмад, Шухрат, Мирзакалон Исмоилий, Ёнғин Мирзо сингари қатағон қилинганлардан Восит Саъдулла Шукруллога йўллаган мактубида қуйидагиларни ёзади: «Шундай яхши ғояларни тарғиб қилувчи «Жавоҳирлар сандиғи»га ўч ҳисси муносиб эмас эди. [5,62-63]

Шу ерда бир яхши топилма, тагдор гап бор экан: пакана одам ўзига тенглаштириш учун новча пайини (ҳасаддан) қирқиш керакми, деган маънодаги жумланг. Бир вақт

менга дўстимиздан озурда бўлганлигини айтганинда, сенга таскин берган эдим. Ҳаммасини унутибсан, жаҳл... устунлик қилибди. Аммо эсдаликларинг бунга муҳтож эмас эди» .

Машҳур форс-тожик шоири, адиби ва мутафаккири Муслиҳиддин Саъдий Шерозий номини эшитмаган, унинг жаҳон сўз санъати дурдоналари қаторидан ўрин олган «Бўстон» ва «Гулистон» асарларидан баҳраманд бўлмаган адабиёт мухлиси топилмаса керак.

Бу асарлар ижтимоий-сиёсий ҳаётдан, жонли халқ тилидан сув ичган ҳамда шу жамиятнинг барча табақалари учун тушунарли, шу билан бирга Саъдий ўз кўзи билан кўрган воқеалар ва ҳикоятлар асосида ёзган. Ўз асарларида турли хил насиҳатлар, энгил ҳазил-мутойиба инсонларнинг ҳис-туйғуларини моҳирона ёритган бўлса, Шукруллонинг «Жавоҳирлар сандиғи» асарида ҳам шундай хусусиятни кўришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки,

янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий илк ўзбек романини яратиш учун Шарқ носирларининг адабий-бадий анъаналарини ўрганиш билан бирга, Журжи Зайдон орқали Ғарб романнавислик мактаби вакили Валтер Скоттнинг ижодий тажрибасидан ҳам самарали фойдаланди. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” билан туғилган ўзбек романнавислик мактабига жаҳон романнавислигининг энг яхши анъаналарини дадил олиб кирди. Беҳбудий, Фитрат ва Ҳамза эса ўзбек фолклори таъсирида туғилган халқ театри заминидан европа театри ва драматургияси тамойиллари устуворлик қилган профессионал ўзбек театри ва драматургиясига пойдевор қўйдилар. [6,261] Мана шундай буюк ижодкорлар сингари Шукрулло ижодига жаҳон адабиётининг таъсири катта десак, адашмаймиз. Чунки ҳеч қайси ижодкор яхлит ҳолда шаклланиб ривожлана олмайди. Ҳар бир инсон изланишда бўлади ва янги кашфиётлар қилишда жаҳон тажрибасини ўрганади.

Адабиётлар:

1. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
2. Умутов Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. –Т.: А.Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 2004.
3. Бобоев Т. Замон ва қаҳрамон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1976.
4. Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги. Лирикада образ муаммоси. –Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1988.
5. "Ғойибона муҳаббат". Т.: "Мерос", 2010.
6. Куронов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати .-Т.: Академнашр, 2013.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).